

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик
қуни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил август — сентябр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҲИТИСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда

ГУЛЛА-ЯШНА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Хушхабарлар

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун бир гуруҳ юртдошларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар. Шунингдек, фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳи ҳам республикамизнинг юксак мукофотлари ва унвонлари билан тақдирландилар.

●Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 45 минг аҳоли ҳам табиий газдан фойдалана бошлади.

●Янгийўл шаҳрида этил спирти ишлаб чиқарадиган йирик завод ишга туширилди. Байрам арафасида ишга тушган ушбу завод республикамизнинг ана шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

●Мустақиллигимиз беш йиллиги арафасида республикамизда нашр этилаётган газеталар сони яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Халқ бирлиги ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши «ДДД» номли газетани чоп эта бошлади. У «Дўст, Друг, Дос» дегани бўлиб, ўзбек, рус ва қозоқ тилларида чиқарилади.

●Италиядаги «РАИ» киностудияси ўзининг «Спрут» саргузаштли фильми билан бутун жаҳон афкор оммасига маълум. Яқинда мазкур киностудия вакиллари «Орол ҳалокати-болалар нигоҳида» ҳужжатли фильмини тасвирга тушириш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлишди.

Италян кинематографчиларининг ташрифи Қорақалпоғистондаги «Перзент» («Фарзанд») жамоатчилик маркази, марказ раҳбари, профессор Уролой Атаниёзованинг саяёҳаракати маҳсулидир.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Янглишма ҳеч мардона йўлдан,
Душманларинг ҳайқсин мудом.
Истиқлолинг ҳеч берма қўлдан,
Абдуллолар туғилди яна!

Ўзбекистон, жонажон юртим,
Истиқлолга қутловлар бугун.
Яшна, бағринг гулларга тўлсин,
Файзуллолар туғилди яна!



Мадҳинг бутун оламга кетсин,
Коинот ҳам қўлогин тутсин,
Ҳасадгўйлар ёт бўлиб ўтсин,
Чўлпонларинг туғилди яна...

Бекқул БЕК



«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар, кўрик-танлов қатнашчилари!

Мустақил мамлакатимизда биринчи мартаба ўтказилаётган улкан кўшиқ байрами — «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг барча қатнашчиларини ва ғолибларини самимий қутлайман.

Бу кўрикда минг-минглаб истеъдодларнинг қатнашгани, мустақиллик, нурли ке-

лажак ва она юрт ҳақида юрагидан тўлиб-тошиб куйлагани чиндан ҳам қувончли ҳодисадир. Бу — кўп йиллик мафкураравий тузум зуғуми туфайли асоратда қолган тафаккур ва дунёқарашнинг ўзгарганини, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қадимий шон-шавкати қайта тикланганини кўрсатди.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадул-абад қолади. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир. Энг гўзал ва энг дилбар кўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги кўшиқлар-

дир. Бундай жозибатор кўшиқлар элу элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватани ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

Кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди, деб ўйлаганлар хато қилади. Аксинча, у энди бошланди. Чунки танлов даврида яратилган ўнлаб мафтункор кўшиқлар халқимизнинг дилига кўчди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди, Ватанимизга бўлган чексиз меҳр-му-

ҳаббат янги куй-кўшиқларда ўзгача акс-садо берди.

Азиз дўстлар!

Биз Ўзбекистонимизни мадҳ этган кўшиқларни баралла куйлашдан ҳеч қачон чарчамайлик. Серкўёш диёри-миз ва унинг меҳнаткаш, меҳмондўст, мағрур фарзандлари ҳақидаги кўшиқлар мангу янграйверсин! Оллоҳ бизларга насиб этган келажаги буюк ва қудратли Ватанимиз ҳамиша омон, оstonаси доим нурли бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини, минглаб фуқароларимиз томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганлигини эътиборга олиб, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон

фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имконият туғдириш мақсадида:

1. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида кўшиқ байрамини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 август

Эндигина 12 ёшдан ошганига қарамай, Даниил Ҳолиқовнинг номи нафақат республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам яхши таниш. Асли санъаткорлар оиласидан бўлган Даниил ҳам мусиқага ҳавас кўйди. Шунинг учун уни беш ёшида В. А. Успенский номидаги мусиқа мактабининг скрипка синфига ўқишга беришди. У моҳир педагог Натан Менделсондан сабоқ ола бошлади. Ўқишнинг биринчи йилиёқ Даниилнинг иқтидор ва истеъдоди ялт этиб кўзга ташланди. Биринчи синфни битириш арафасида у мусиқа мактабининг катта залида Ўзбек Давлат филармониясининг Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги катта симфоник оркестри билан концерт берди ва устозларининг ҳамда мусиқа ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

1993 йил Алмати шаҳрида торли мусиқа асбоблари чолғучиларининг Халқаро танлови бўлиб ўтди. Даниил ёш бўлгани учун танловда тўлақонли қатнашичи сифатида иштирок этолмади. Шунга қарамай, у «таклиф этилган меҳмонлар» орасида ўз ижрочилиқ маҳорати билан ажралиб турди. Ҳакамлар ҳайъати уни «Танловда кашф этилган ном» унвонига ва «Уйноқи пиесаларнинг энг яхши ижросисига» Ёрлиғига муносиб деб топди.

Шу йил май ойида Даниил Ҳолиқов Германияда бир неча концертлар бериш бахтига муяссар бўлди. Немис матбуотида ўзбекистонлик ёш скрипкачининг

истеъдодига юксак баҳо берилган мақолалар чоп этилди. 1994 йил мартда Туркиянинг Билкент шаҳрида бўлиб ўтган танловда эса у Сен-Санснинг «Интродукция ва рондо-каприччиозо» асарини ижро этди. Ушбу концертда Билкент Мусиқа университети оркестри унга жўр бўлди. Концертдан сўнг турк меценати Да Грамачи Даниилга немис скрипкаси совға қилди.

Шундан кейин Даниил скрипкачиларнинг Англияда бўладиган Иеуди Менухин номли Халқаро танловига тайёргарликни бошлаб юборди. Шу орада радио учун бир неча концертлар ёздирди, ойнаи жаҳонда иккита кўрсатув намойиш этилди.

Фолкстонда ўтган танловда Даниил фа-

хри бешинчи ўринни эгаллади. Танлов президенти Иеуди Менухин Даниил ҳақида тўлқинланиб шундай деди: «11

ёшли бола учун мислсиз мўъжиза! У шубҳасиз, скрипка чалиш учун туғилган. Унинг ижроси инсонлар бахтига хизмат қилади». «Дейли Мейл» газетаси эса унинг ижроси ҳақида қуйидаги мисраларни ёзган эди: «Даниил Ҳолиқов фабрикада ясалган скрипкада шунақанги ажойиб мусиқалар ижро этдики, кўплаб етук музикантлар ҳам унга ҳавас қилган бўлса, ажабмас».

Шу кунларда Даниил Ҳолиқов янги-янги концерт номерлари тайёрлаш устида тинмай изланаяпти. Биз унинг ижодида баркамоллик тилаб қоламиз.

Муножот БЕРДИКУЛОВА



Абдул Фани ЖУМА сурати

ҚУТЛАЙМИЗ!

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика кўшиқлар кўрик-танлови муваффақиятли якунланди. Якуний босқичнинг уч куни давомида 70га яқин энг сара кўшиқлар тингланди.

Кўрик-танлов ҳайъатининг қарорига мувофиқ биринчи ўрин очиқ қолдирилди. Учта кўшиқ иккинчи, яна учтаси учинчи ўринга муносиб деб топилди. Учта кўшиқ рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Шунингдек, кўрик-танлов таъсисчилари ҳамда республика жамғармалари ҳам қатнашчилар учун ўзларининг махсус мукофотларини топширдилар.

Биз ғолибларни чин дилдан қутлаймиз.

Гоҳида алланиманидир кўмсайсан. Бу ғалати кўм-саш кўнгил дайрида саросар кезиб, ўзига макон излайди, илайверади. Шунда бу ажиб туйғулар эпкинни илҳом чашмасининг кўзини очади. Қарабиски, бизга ноаён бўлган истак гўзал бир ҳилқатга айлана боради.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг қалби ана шундай беҳаловат, беқарор бўлади.

Муяссар опа Темурованинг ижодхонасидамиз. Зардўзлик санъатининг устаси бўлган бу аёл ҳам ижод деган ажиб дардни юктирганлардан. Қалбидаги энг сара туйғулар унинг асарларида жонланади. Шунданми, у тиккан зардўзи буюмлардаги тилларанг нақшлар сизни гўзаллик оламига беихтиёр олиб кириб, юракни ошфоталик сари етаклайди. Натижада бу нафислик қалбининг беҳаловат нуқталарида кўним топиб, дилгиз яйрайди.

15 ёшида Бухоро шаҳридаги зардўзлик фабрикасида ишга кирган Муяссар опа устози Махсума Аҳмедова (рахматлик)дан бу санъатнинг сир-асрорларини ўрганди. Аслида халқ хунарамандчилигининг асосий йўналишларидан бири бўлган зардўзлик касби қизларга, аёлларга ҳақиқатан ҳам ярашади. Аммо гап шундаки, бу касбни ўргатувчи махсус мактаб ёки таҳсилгоҳ йўқ. Кунт, бардош, қизқиш, ҳавас билан ирилган киши устозлар мактабидега шаклланади.

55 ёшга кирган Муяссар опа нафақада бўлишига қарамай, ўзининг кадрдон фабрикасини тарк этганича йўқ. «Ахир, 40 йилдан зиёд меҳнатим сингган даргоҳ менга ўз уйимдек азиз бўлмасинми», дейди унинг

ўзи. Муяссар опа ҳозирда 40 кишидан иборат буюртма цехида ёшларга бу кўхна санъатнинг нозик сир-асрорларини мукамал ўргатмоқда.

Муяссар опа 1973 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ рассоми унвонига сазовор бўлган, 2 марта орден ва ҳукуматнинг бир қанча фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан тақдирланган. 1995 йили эса Муяссар опага халқ, ватан олдидаги самарали меҳнатлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони берилди.

Тарихдан маълумки, Бухоро воҳаси ўзининг нафис зардўзлик санъати, қўли гул зардўзлари билан оламга машҳур бўлган. Аждодлар қони танида жўш уриб оқаётган бу зардўз аёл ҳам

ўз санъати билан ҳали кўп довлонларни забт этса ажаб эмас.

«Амирхон», «Товус», «Лаъли», «Меҳроб» каби зардўзи чопонлар, «Нилуфар», «Чорқуб-

ба», «Нигина», «Панонигина», «Атиргул пано», «Ўзбекистон герби» дея аталувчи дўппилар. «Мустақиллик халати» ва бошқа зардўзи буюмларни қўриб беихтиёр у кишининг маҳоратига таҳсин айтасан.

— Икки ўғлим бор. Иккаласини ҳам ўқитиб, уйли-жойли қилганман. Илгари касбимни қўлимдан олиб давом эттирадиган қизим йўқ-да, дея ўқиб қўярдим. Худого шукр, келинларим — қизларим зардўзлик ботида мендан-да ўзишга ҳаракат қилишмоқда.

Истиқлол туфайли Муяссар опа муборак ҳаж сафарига бўлиб, ҳожи она бўлиб қайтдилар. Шунданми у киши доим фарзандларни иймон-этиқодли, маънавий кадрият ва меросимизга ҳурмат туйғусида камол



Муяссар Темирова (ўртада) шогирдлари даврасида.

Р.Шарипов сурати

топтиришга жиддий қарайди.

Айни кунларда Муяссар опа яна бир катта иш устида ишлаяптилар. У ҳам бўлса истиқлолнинг 5 йиллигига бўладиган ажойиб тўхфа — Соҳибқирон Амир Темурнинг зардан ишланадиган портретидир.

Зар ипларга жон солиб, ранго-ранг, нафис туйғулар билан уларга жило беришга, унинг моҳиятини инсонлар қалбига олиб киришга уринаётган бу инсон ижоди шифобахш булоқни эслатади. Ундан қониб-қониб ичганинг сайин кўнгилда янада покиза туйғулар уйғонаверади.

Алжон САФАРОВ

Муассисларимиз фаолиятдан

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Сирдарё туманида «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг таянч бўлими 1996 йил январ ойидан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда соғлиқни сақлаш ташкилотларига яқиндан кўмак бериш. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида экстрогенитал касалликларига чалинган аёллар учун туғишнинг зарари, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш йўллари, ҳар бир фарзанд туғилиши орасидаги тавсия қилинган муддатларга амал қилиш, бола учун она сутининг афзалликлари кабиларни кенг тарғиб қилишда қатнашишдир.

Маълумотларга қараганда, туманда ҳар йили 2500 аёл ҳомиладор бўлиб, кўзи ёрибди. 30 ёшгача бўлган аёлларда фарзандлар туғилиши орасидаги муддат аксарият икки йилдан ошмайди. Айрим ҳолларда, 20-25 ёшлардаги аёлларнинг ҳар йили фарзанд кўриши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Оқибатда, бундай чақалоқларнинг анчагинаси нуқсонлар билан туғилмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, туғма хасталик билан дунёга келган бола оила учун ҳам, жамият учун ҳам оғир юкдир. Тўғри, уларга гамхўрлик қилиш, турли имтиёзлар яратиш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Жамғарманинг таянч бўлими айни кунларда туманининг турли қишлоқларида «Соғлом оила — соғлом жамият негизи», «Соғлом авлод учун», «Саломатлик» дастурлари бўйича

суҳбатлар, мунозаралар, учрашувлар ўтказмоқда. Яқин кунларда эса қишлоқларда яшовчи барча хотин-қизлар тиббий қўриқдан ўтказилиб, касалликлар бўйича шароити оғирларини жамғарма ҳисобидан бепул дори-дармонлар билан таъминлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, таянч бўлими томонидан бошқа қатор тadbирлар ҳам белгиланган. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида, хотин-қизлар меҳнат қиладиган жамоаларда соғломлаштириш машқлари ўтказишни одатий тусга киритиш устида иш олиб борилаёпти.

— Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз биринчи галда туман ҳокимлиги ҳамда жамоа ҳўжаликлари раҳбарларига таянган ҳолда иш юритамиз, — дейди таянч бўлими директори Мавлуда Ҳусайнова. — Оилалар тинчлиги, оналар ва болалар саломатлиги ҳар бир раҳбар ходимнинг диққат марказида туриши лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё тумани

ЧАШМА СУВИ КАДОҚЛАНАДИ

Хитойлик тadbиркорлар Нуродаги машҳур Чашма сувини қадоклашни йўлга қўйишга бел боғладилар. Шу мақсадда тегишли линиялар сотиб олиш учун улар 150 минг АҚШ доллари ажратишди. Янги йил арафасида чиройли ва бежирим идишларга қадокланган шифобахш Чашма суви сотувга чиқарилади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҲИММАТИ

Конимех тумани халқ таълими бўлими мудирининг муовини Менглибой Муродовнинг «Меҳр» деб номланган тўплами «Камал» нашриётида босмадан чиқди. Муаллифнинг ўзи ҳам китобининг номига монанд меҳрибон ва олийҳиммат инсонлардан экан. У киши қалам ҳақини Болалар жамғармаси ҳисобига ўтказди.

КУЧЕРСКИЙ — АКАДЕМИК

Навоий кон-металлургия комбинати директори Николай Куче-

Хушxabарлар оқими

рскийнинг номи республикаимиз ташқарисида ҳам яхши маълум. Яқинда Н. Кучерский Халқаро фан, индустрия, маърифат ва санъат академиясининг хақиқий аъзоси этиб сайланди.

Махмуд МАРДИЕВ,
Навоий вилояти

Фойданинг бир қисми САВОБГА

«Қумқўрғонсавдо» ҳиссдорлик жамияти раиси Зумрад Ҳайитова ҳар сафар ярим йилликка яқун ясар экан, олинган соф фойданинг бир қисмини хайрия ишларига сарфлайди. Жамоа бу йилнинг ярим йиллигида 556 минг сўм фойда олди. Мамлакатимиз мустақиллигининг кутлуғ беш йиллиги арафасида ана шу фойда ҳисобидан кам таъминланган рўзгорларга 50 минг сўмлик кийим-кечак тарқатилди. Бундан ташқари савдо ходимларидан икки жуфт келин-куёвнинг ҳамда 6 нафар боланинг хатна тўйлари учун кетган сарф-харажатни ҳам «Қумқўрғонсавдо» ўз зиммасига олди.

ШАҲАРЛИКЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимига қарашли Термиз шаҳар таянч бўлими Республикаимиз мустақиллигининг кутлуғ беш йиллиги муносабати билан кам таъминланган, серфарзанд ўн бешта оилага биринчи тиббий ёрдам учун асқотадиган дори-дармонлар аптекаси ҳамда болалар кийим-кечаклари ҳадя қилди.

Махмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШДИ

Ахборот

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ҳам республикаимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида бир қатор хайрли ва ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, куни кеча пойтахтимиздаги «Тошкент Лэнд» истироҳат боғи уззукун болалар ихтиёрида бўлди. Тошкентдаги тўртта, пойтахт вилоятидаги битта «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган 500 нафар бола кун бўйи богдаги турли аттракционларда учинди, ҳар хил уйинларда қатнашди, эстрада гуруҳларининг шўх-шодон кўшиқларини тинглаб, рақсга тушиб, мириқиб дам олишди. Хуллас, ушбу кун узок вақт уларнинг хотирасида сақланиб қолиши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГДОШЛАР

Истиқлолнинг мунаввар тонгида замин узра чақалоқ йиғиси янгради. «Суюнчи, суюнчи» дея чопқиллаган ўйноқи шамоллар алланинг уйғоқ эпкинларини гўдак вужудига олиб кирди.

Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 1991 йил 1 сентябрда республика бўйича тахминан 1955 нафар бола дунёга келган.

Биз Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармасига мурожаат қилиб, бу кутлуг кунда пойтахт бўйича туғилган чақалоқларнинг, яъни истиқлолга тенгдошларнинг тўлиқ рўйхатини беришни лозим топдик.

СОБИР РАҲИМОВ тумани

1. Ҳамидова Асолат Абдурахмон қизи. 2. Беляев Сергей Дмитриевич. 3. Ниценко Ирина Валерьевна. 4. Аминов Тимур Рустамович. 5. Абдурахимов Даврон Абдусамат ўғли. 6. Озодов Фазлиддин Фахриддин ўғли. 7. Саримсоқов Комилжон Расул ўғли. 8. Омилия Дони Шухрат қизи. 9. Алматов Исом Абдували ўғли. 10. Алимова Озода Суръат қизи. 11. Газиева Зулайхо Зафар қизи. 12. Жўраева Ноила Мухиддин қизи. 13. Муқимов Жаҳоҳир Баҳоҳидр ўғли. 14. Алимов Беҳзод Навоийевич. 15. Абдувалиева Зилолаҳон Абдурахим қизи. 16. Мирхоннова Озода Миркамол қизи. 17. Муҳаммаджонов Асилбек Ганишер ўғли. 18. Адилова Нозима Равшановна. 19. Усмонов Дониёр Ботир ўғли. 20. Ваҳובה Озода Абдураҳзон қизи. 21. Зиёвуддинов Нуриддин Камолддин ўғли. 22. Нуриддинова Малика Тоҳир қизи. 23. Раҳматуллаева Камолаҳон Азиз қизи. 24. Ҳикматова Муборак Рухулло қизи. 25. Калинин Борис Александрович. 26.

Комилов Отабек Рихсией ўғли. 27. Акбаров Мехрибону Ақром қизи. 28. Адамбоев Жаҳоҳир Маҳмудович.

ЮНУСОБОД тумани

1. Осипова Карина Владимировна. 2. Юсупова Хосият Баҳоҳидр қизи. 3. Прапорщикова Светлана Владимировна. 4. Барбаянова Алина Александровна. 5. Молчанова Анна Александровна. 6. Гилъезова Регина Ренатовна. 7. Ёқубова Зилола Тоир қизи. 8. Исмоилов Рустам Аҳмад ўғли. 9. Рустамов Фахриддин Насриддин ўғли. 10. Шерматов Комилжон Саидкомил ўғли. 11. Соилов Зокир Олимжон ўғли. 12. Юсуфхўжаев Музаффар Мақсудхўжа ўғли. 13. Абдурахмонова Дилбар Фахриддин қизи. 14. Маҳкамов Музаффар Бахтиёр ўғли. 15. Исматуллаева Озода Хайрулла қизи. 16. Хидирова Азизахон Тоҳировна. 17. Ғуломова Азизахон Жамолддин қизи. 18. Абдурахимова Зилола Ҳусниддин қизи. 19. Каримов Ҳабибулла Ҳамидулла ўғли. 20. Тошкентбоева Фотима Ибрагим қизи. 21. Тошкентбоева Зухра Ибрагим қизи. 22. Орифжонов Миразиз Фаррухжон ўғли.

МИРЗО УЛУҒБЕК тумани

1. Аҳмедова Муқаддас Раҳматулла қизи. 2. Куницин Александр Юревич. 3. Ҳикматова Зилола Пазилддин қизи. 4. Шарипов Мадийр Парманбоевич. 5. Попова Анета Бруновна. 6. Цой Алена Дмитриевна. 7. Юнусов Руслан Рамилевич. 8. Ангелов Евгений Андреевич. 9. Раҳимов Эркин Раим-Зода. 10. Симонянц Элина Арменовна. 11. Умаров Абдураҳзон Қаҳҳор ўғли. 12. Қурбонова Гулноза Одижон қизи. 13. Орифжонов Гулноза Бердиёр қизи. 14. Жалилов Мирзобек Аҳметович. 15. Хожалимов Ворисхон Борихон ўғли. 16. Карцева Александра Анд-

реевна. 17. Сидиқов Улуғбек Сидиқжонович. 18. Спиридонова Анастасия Валерьевна.

ШАЙХОНТОХУР тумани

1. Нурхўжаев Музаффар Ҳотам ўғли. 2. Гафурова Мавлудахон Саиджон қизи. 3. Қодирова Шоирахон Абдулатиф қизи. 4. Тожиев Зокиржон Комилжон ўғли. 5. Усмонова Феруза Шароф қизи. 6. Маннопова Мўътабар Абдувоҳид қизи. 7. Самуғова Муқаддас Нигматжон қизи. 8. Ҳайдаров Сардор Санъат ўғли. 9. Бобоева Гулноза Ҳусниддин қизи. 10. Маҳаммаджонов Қозимжон Комилжон ўғли. 11. Мақсимова Наргиза Мухуддин қизи. 12. Абдусаматов Абдулазиз Абдурахмон ўғли. 13. Аҳмадова Моҳинур Ҳамдам қизи. 14. Жўраева Зумрадхон Мухиддин қизи. 15. Муталов Одижон Озод ўғли. 16. Умарова Нодира Рихситилла қизи. 17. Бахтиёрва Маликаҳон Баҳоҳидр қизи. 18. Меҳмононова Камола Дилшод қизи.

АКМАЛ ИКРОМОВ тумани

1. Ияров Даврон Шухрат ўғли. 2. Абдуллаев Асрорхўжа Анвархўжа ўғли. 3. Нуринбетов Ерлан Нурланович. 4. Муминов Санжаржон Суннатилла ўғли. 5. Файзиёва Севара Ҳакимжон қизи. 6. Тўлаганова Мухлиса Азим қизи. 7. Олимжонов Гулноза Фарход қизи. 8. Мамажонов Озоджон Тўхтасин ўғли. 9. Мирзабоева Комила Рихсией қизи. 10. Файзуллаев Абдулла Убайдулла ўғли. 11. Зияева Хуршида Бахтиёр қизи. 12. Рустамова Диёрахон Самариддин қизи. 13. Алимжонов Гузал Абдусамат қизи. 14. Раимов Ойбек Алишер ўғли.

ҲАМЗА тумани

1. Соляра Наталья Владимировна. 2. Исроилова Дилобар Собит қизи. 3. Ҳакимов Темур Равшанович. 4.

Эргашев Суннатжон Маннобжон ўғли. 5. Жумабоева Малика Абдуқиевна. 6. Каримсакова Айну Мулдахмет қизи. 7. Загрутдинов Эрик Исламович. 8. Абдуллаев Санжар Иброҳимжон ўғли.

МИРОБОД тумани

1. Бобоқуллова Севара Рафаэлевна. 2. Раҳимова Дурдона Маҳмуджон қизи. 3. Мусалимов Руслан Аристанович. 4. Мақсудов Умиджон Абдурахмон ўғли. 5. Прокофьев Сергей Олегович. 6. Абдурахмонова Севара Баҳоҳидр қизи. 7. Павлов Вадим Викторович. 8. Кабирова Лобар Ҳайдар қизи.

СИРФАЛИ тумани

1. Назаров Бобур Шокир ўғли. 2. Сабитова Римма Габдулахатовна. 3. Ким Геннадий Яковлевич. 4. Ганиева Нияра Ресулевна. 5. Тошкентбоева Дилафруз Хислат қизи. 6. Машрапова Дилноза Равшан қизи. 7. Саттарова Дилноза Шавкатовна.

ЧИЛОНЗОР тумани

1. Камишанская Диана Сергеевна. 2. Исмоилов Сирожиiddин Абдурахимович. 3. Игнатова Анна Владимировна. 4. Эгамназаров Қодиржон Олим ўғли. 5. Эргашева Саодат Одижон қизи.

ЯККАСАРОЙ тумани

1. Комилов Фаррух Фарход ўғли. 2. Охунов Бахтимурод Позил ўғли. 3. Халилова Заринахон Эркиновна.

БЕКТЕМИР тумани

1. Давлетов Марат Афгал ўғли. **ИЗОХ:** Берилган рўйхат бўйича ҳисобланганда Тошкент шаҳрида жами 132 нафар бола дунёга келиб, шулардан 74 нафари қиз, 58 нафари ўғил бола-лар экан.

5 ЁШЛИЛАР ДАВРАСИДА

Кўзлари умид билан порлаб, кулиб турган бу қизалоқ **Саодат Эргашева** 1991 йилнинг 1 сентябр, саодатли тонгида, соат 5.00 да дунёга келган.



Улуғвор келажак сари талпинаётган қизалоқ қалбига бир кулоқ тунинг-а.

«Б у г у н

бешга тўлди ёшим,

Порлайверсин куёшим.

Элим, халқим бахтига,

Омон бўлсин юртбошим».

Саодатхон анча жиддий қиз.

У катта бўлса онасидек юрист бўлмоқчи.

Бобуржон Назаров кичкина бўлишига қарамай, қизқишлари бир талай, қаратёга қизқади, суратлар чизади, шеър, ашулалар билади. Оилада кенжаси бўлгани сабабли ҳам ўйинчоқларнинг энг сара-



ларини ўйнашни севади. Айниқса, машина, самокат, велосипед унинг жону дили. Сен шоҳ Бобурсан, десангиз гурурланиб, сиздан ҳеч нарсани қизганмайди.

Беғубор болаликнинг сурурига тўлган бу қизча **Озодаҳон Исматуллаева**. Бувиси Муқаддам



ая истиқлолнинг илк кунда, озодлик кунда туғилган дея унга шу исми танлаган. Ажойибу

ғаройиб бўлган Озодаҳон Ўзбекистон мадҳиясини кўшиқ қилиб айтиб юради. Бошқа қизлардай қўғирчоқни яхши кўради-ю, фақат «Барби»ни ўйнасам дейди. Онасини ҳам, дадасини ҳам бирдай яхши кўради. Дуолар ўқиш-ни қойиллатади. Энг катта ор-

зуси улғайса, дадасига «Мерседес» машинаси олиб бериш ва плус участка қурдириб бериш.

Яна битта сирни айтиб қўяйлик:

аяси Раёно Исматуллаева ҳам 1 сентябрда туғилган.

Миразиз Орифжонов.

Катталарга хос жиддий, табиатан вазмин, ақлли бола. У бир нечта дуоларни ёддан билади. Аммо боғчага боришдан кўра, ҳайвонот боғига боришни афзал кўради. Сурат чизишни, санашни мунтазам машқ қилади. Ҳар кунни «ишга яхши бориб келинг, дадажон» дея дуо ўқиб дадасини ишга кузатмаса, ҳатто х а р х а ш а



ҳам қилаверади. «Лего» ўйинчоғини ўйнашни хуш кўради.

Суратда кўриб турганингиз **Дилнозахон Машрапова** жу-

даям қобилиятли қиз. У арабча алифбони, инглизчани ўрганапти. Ҳатто Куръондан еттита сурани билади. Отаси спортчи, у билан доимо шугулланишга имкони йўқ. Барча қизқишларининг, интилишларининг бош сабабчиси аяжониси. Бир талай шеър, ашулалар билади-ю, сал уятчанлиги панд беради-да. «Денди» унинг энг яхши кўрган ўйинларидан биридир.

Биз мустақилликка тенгдош бўлиб ўсаётган болалар, қизларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Истиқлолнинг умидбахш эпкинлари уларнинг қалбига мудом покиза туйғуларни олиб кираверсин!

Саҳифани **АЛИЖОН тайёрлади**

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» 5 ЁШДА



изланишлар самараси ўларок шу йил муштарийларимиз «У кимнинг Абдуллоси», «Довкар», «Ўқсиган кўнгиллар гамгузори», «Надомат», «Фаргоналик уч йигит», «Исломий ҳалол ва ҳаром» каби кўплаб мақолалар билан танишиб, ўзларига манзур бўлганлигини телефон кўнгириклари ва мактублар орқали эътироф этдилар. Бу албатта газетанинг халқ орасида оммавийлигидан дарак беради.

Дунё журналистикасидан шу нарсга маълумки, газета ҳеч қачон янгиликсиз яшай олмайди, мабодо шундай бўлса, бу газета тўла инкирозга йўл тутаети. Шунинг учун ҳам газетанинг ҳар бир сонини олдингиларидан фарқли равишда ўқимишли ва долзарб мавзудаги мақолалар билан тўлдириб бориш бизнинг доимо диққат марказимизда туради.

Бугунги кунда газетамизда меҳнат қилаётган ўрол Содик, Раҳматилла Бердиев, Даврон Бек, Алижон Сафаров, Баҳриддин Абду Саид, Маҳмуд Йўлдошев, Дилбар Сапарова, Басира Сайид Али, Абдурашул Пардаев каби журналистлар муштарийлар кўнглига йўл топишда баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдалар. Биз бундан кейин ҳам «Оила ва жамият» газетасининг халқимиз орасидаги энг оммавий нашрлардан бири бўлиб қолишига ҳаракат қиламиз.

1991 йил 1 сентябр. Одамлар истиқлолимизнинг илк кунда газета дўконларидан ҳам қувонч, ҳам ҳайрат, ҳам иккиланиш билан «Оила ва жамият»нинг биринчи сонини харид қилган эдилар. Умр оқар сув деганларидек ўшанга ҳам беш йил тўлди. Ана шу беш йил мобайнида газета ўз услуби, ўз йўналиши, ўз ўқувчиларини топди, оммавийлашди. Бугунги кунда 21 ярим мингдан ортиқ нусхада чоп этилаётган «Оила ва жамият»нинг оммавийлашувида унинг собиқ бош муҳаррирлари Қўлмон Очил, Абдуҳашим Ирисбоев ва ўз даврида газетада қалам тебратган Ҳалим Сайид, Ўрол Ўзбек, Нормурод Мусомов, Икром Искандарларнинг хизматлари беқиёс. Истиқлол билан тенгдош газетамиз ҳозирда ҳам энг долзарб ва халқчил мавзуларга, жумладан инсон

шаъни ва унинг қадр-қиммати, одоб-ахлоқ, соғлом авлод тарбиясига кенг эътибор қаратган. Сўзимиз исботи сифатида «Мангу изтироблар», «Турмуш дорилфунуни», «Соғлом авлод учун», «Фикр», «Балоғат бекати», «Ибратли оилалар» рукнларида берилётган турли-туман мақолаларни айтишимиз мумкин.

Истиқлол шарофати билан матбуотимиз ҳам мустабид тузум давридагидек КПССга ҳамду сано ўқишу беш йиллик планларини уч йилда бажариш ҳақида эмас, балки халқ турмуш даражасини янада яхшилаш, ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни дунё воқеаларидан ўз вақтида хабардор қилиб туришни ўзларига бош мавзу қилиб олганлар. Газетамиз жамоаси ана шу эзгу мақсад йўлида тинмай изланмоқдалар, ижод қилмоқдалар. Бу

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ҚУШ УЯСИДАН ҚЎРҚУЛИК

Шунда таниш бўлиб қолган домлалардан бири унга: «Ўқийини ўзи қизиқадиган олий ўқув юртига ўтказайлик... Бу ер — тиббиёт даргоҳи... Ўғлингиз барибир ҳам врач бўлолмайди», деб маслаҳат берибди. Ота эса унга: «Тўғри, ўғлим ҳеч қачон врач бўлмайди. Лекин у ГЛАВВРАЧ бўлади», дер эмиш.

(«Оила ва жамият», 1993 йил, 1-сон)

ОЛТИАРИКЛИК ГЎРЎҒЛИ

Пахта даласига сув тараб юрган йигит янги қабрдан овоз эшитилаётганини пайқабди. Сувчи йигит кўрқа-писа қабрни очибди. Қараса, олпоқ кафанга ўралган ҳолда, боши лахат шифтига тегай-тегай деб акам ўтирганмиш...

(«Оила ва жамият», 1993 йил, 14-сон)

БИЗ УЧУН КЕЧИРИНГ, КУЁВ

Демак, пулни онам олмаган, демак Маҳлиё... Ўшанда менинг аҳволимни кўрсангиз эди. Уйга қираман, эшикка чиқаман, ҳеч қаерга сизгамайман. Онам боши эгик, не дейишини ҳам билмасди. Маҳлиё, Маҳлиёнинг кўзлари бежо-да, негадир ўзини берпарволикка оларди.

(«Оила ва жамият», 1994 йил, 4-сон)

ДАЛА ЙЎЛИДАГИ АЁЛ

Эр энди хотинини калтаклаб туриш билан кўнгли кўникмай, қизларига ҳам қўл кўтарадиган бўлди, «Ота урган қиз бахтсиз бўлади», дейишади. Хотини эрнинг бу қилигини кўтаролмади. Эр бир сафар қизларига қўл кўтарганда аёлнинг сабр косаси тошди. Энди уни тўтиб турадиган бардош қолмади.

(«Оила ва жамият», 1994 йил, 11-сон)

БАХТНИНГ ЭШИГИ ҚАЕРДА?

Баҳром ҳар қандай қизни бахтли қилиши мумкин эди. Мен бунинг қандай эканлигини билганим учун айтаяпман. Мен Баҳромни бирор қизга уйланаман, деса, ҳар қандай ақлли қиз унга жон-жон деб рози бўлса керак, деган ҳаёлда юрардим. Шундай кунларнинг бирида у мени тўйига таклиф қилди. Икки болали жувонга уйланаётган эмиш.

(«Оила ва жамият», 1994 йил, 17-сон)

ШАЙТОН ҲАҚИДА БИР ЭШИТГАНИМ

Чиқиб кетаётганида шайтон тайинлаган: «Мени бу ерда кўрганингни ҳеч кимга айтма. Айтсанг, ўласан!» Аммо аёл чиқибок бутун воқеани ҳаммомчига айтиб берган. Ҳаммомчи ҳам ҳовлиқанича ичкарига кириб кетган. Лекин ҳеч кимни (нимани) кўрмаган. «Аёл алдагандир-да», деб ташқарига чиқса, аёл эшик бўсағасига юзтубан қулаганича... ўлиб ётганмиш.

(«Оила ва жамият», 1994 йил, 30-сон)

ХАТАРЛИ МАНЗИЛ

Эркак кетиши билан одатдагидек ғийбат бошланди. Энди бўғи ўзбекчилик. Даврадан туриб кетган одамнинг орқасидан бир-икки оғиз нордон гап қилинмаса, кўнглимиз жойига тушмайди. Лекин юзига гапиришга ё андиша йўл қўймайди, ё жиндай жасорат етишмайди.

(«Оила ва жамият», 1995 йил, 11-сон)

ОНА, СИЗНИ ЯНА СОҒИНДИМ

Эҳ, мен яна унутибман, Энажон, сизни соғинувдим, ҳар доим сизни ўйлаб юрарман, қўларингизни кўзимга сураман, демокчийдим. Энди эсимга тушди-я.

(«Оила ва жамият», 1995 йил, 20-сон)

БИЗГА ЁЗИШАЯПТИ, ФИКР БИЛДИРИШАЯПТИ, ДЕМАК ЎҚИШАЯПТИ

«Оила ва жамият»да тарбиявий аҳамиятга молик мақолалар кўплаб чоп этилаётганлиги сабабли унинг ҳар бир сонини ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Ўғил-қизларим, невараларимни ҳам ўқиб, тўғри ҳулоса чиқаришга ундайман. Лекин негадир биз яшаётган Янгибод томонларга кейинги пайтларда газета келмай қўйдими ёки жуда кам келяптими, ҳар қалай, газета сотиш дўконларидан уни харид қилишнинг имкони бўлмапти. Илтимосимиз шунки, газета тиражини кўпайтириб, биз мухлисларингизни ҳам «Оила ва жамият»ни ўз вақтида ўқиб туришимизга имкон яратиб берсаларингиз».

Абдусаттор ҚОСИМОВ,
II Жаҳон уруши қатнашчиси
Ҳамза тумани

«Газетангизнинг ашаддий мухлисима. «Оила» ҳақида танқидий фикр эшитсам, кайфиятим бузилади, ишонаверинг. Лекин секингина айбларингизни айтсам хафа бўлманг. Мен адабиётчи эмасману, аммо баъзида газета саҳифаларига жуда саёз мақолаларни ўқиб қоламан. Саёз мақола эса ўқувчининг энгасини қотириб, газетадан кўнглини совутиши турган гап».

Турдимурод АБДУЖАББОРОВ,
ТДАД талабаси

«Оила ва жамият»даги «Бўсаға», «Мангу изтироблар», «Кўзгудаги ўзимиз» каби рукнларда ёритилаётган мақолалар менга жуда ёқадди. Лекин негадир кейинги пайтларда «ТТТ», «Юлдузлар меҳмонхонаси», ва спорт мавзусидаги материаллар жуда кам чоп эти-

ляпти. Ахир, бу рукнлардаги мақолаларнинг ҳам ўз ўқувчилари бор».

Наргиза ШОКИРОВА,
ТошДУ талабаси

«Хурматли «Оила ва жамият» газетаси тахририяти! Мен 1991 йилдан бери сизларнинг мухлисингизман. Бу йил ҳам фотоаппаратимни сотиб, газетангизга обуна бўлдим. Лекин бизга «Оила ва жамият» вақтида етиб келмапти. Район марказига бориб, масъул идораларга учрашсам, биз жўнатганмиз, дейишади. Ўзимизнинг хат ташувчи эса «менга келмади», деб ўзини оқлайди. Илтимос, газетани вақтида олишимиз учун ёрдам беринг».

Абдулахад АБДУЛЛАЕВ,
Фаргона вилояти, Ёзёвон тумани





ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН

Хайратга тушмаган — шоир эмас ул,
Хайратга тушмаган — дийдасиз бир тош.
Бўйла, тонглар сим-сим кўз ёш тўкар гул,
Оҳ, унда хайратлар кўтарди бош.
Балодан асрайди гоҳ кўзмунчок,
Минг радди балони қайтаргач тумор.
Тўшада алахсиб ётибди узоқ —
Дардидан фориг эт — соғайсин бемор.
Чумоли ортмоқлаб боради юкни,
Чўнгдир ўзидан ҳам неча бор бу юк.
Минг битта айлагил сен битта жонни,
Хар қандай шоир ҳам халқ суйса — буюк.
Қаламим юракка санчиб яшайман,
Майли, сатрим узра силкиб оқса қон.
Нега?! Ўзим ҳайрон — йиғлай бошлайман —
Сени севиб туриб — жон Ўзбекистон!

ТУРОН

Не бахтким, туркона забоним тирик,
Юракда исёним — бўроним тирик.
Бизни ўлдиролмас Аллоҳдан бошқа,
Бўроним тирикми — Туроним тирик!

Абдулла ТУРДИЕВ



ВАТАН

Мозийдан излагин сувратларини,
Озодлик ва жоннинг қийматларини,
Ботирлик, қўрқоқлик сарҳадларини,
Ватан нима десин яна, азизим.

У ҳақда Тўмарис, Широғи айтар,
Муқаддас, лойазал тупроғи айтар,
Эрkning шамолида байроғи айтар,
Ватан нима десин яна, азизим.

Тингласин, гулларга тўла қирларни,
Уфқлар шивирди даъват, сирларни.
Толеинга тонгни тутган нурларни,
Ватан нима десин яна, азизим.

Севгинга, фаҳринга айланмоқ учун,
Қалбинга оловдай жойланмоқ учун,
Жонинга жон бўлиб бойланмоқ учун,
Ватан нима десин яна, азизим.

Абдуваҳоб ФИЁС,

Ғаллаорол шахри



Бу юртга келганлар, кетганлар бари,
Кўзига тупроғин суртар ёш-қари.
Етти иқлимгача етган хабари —
Покиза ашъорим, Ўзбекистонсан.

Кўксим ловуллаиди, мовий аланга,
Зангори Сўз бўлиб ёйилдинг танга,
Тўғдайин хилпираб ёндинг оламга,
Ягона байроғим, Ўзбекистонсан.

Тошлар кучоғида унди чечаклар,

Гулларга бурканиб тўлди этаклар
Момонинг лабида эриб этаклар
Очилган баҳорим, Ўзбекистонсан.

Кўзларим гуллади адрингга қараб,
Чаманзор сочини кетдим оралаб,
Сенга туттим келар ундан саралаб,
Мустақил диёрим, Ўзбекистонсан.

Бахтиёр САЙИД,

Китоб тумани



ЎЗБЕКИМ

Тарихингга баъзан ташлайман назар,
Улугсан, буюксан қадим ўзбегим.
Аллома, баҳодир, ҳатто зебу-зар
Бунда сероб эрур нону туз, бегим.

Оққан дарё оқар, билмайман қанча,
Йиллар ўтаверар, буюк бўл, бегим.
Кўхна очунга ҳам бу кун сиймайман,
Довруғинг оламга таралур, бегим.

Дўстлик ришталари бунда мустаҳкам,
Меҳмондан аямас бир бурда нонин.
Топган ҳар нарсангни кўурсан баҳам,
Шу учун дунёда улугсан бегим.

Донолар айтгандек ҳар битта ўғит,
Буюк келажакдан берур нишона.
Бегим, ёмонлиқни умуман унут
Дунёда бизнинг юрт улуг кошоно.

Ғулом ПРИМ,

Чироқчи тумани



Амударё бир ён, Сирдарё бир ён,
Бир ёнда зар сочар тошқин Зарафшон,
Мулки Турон бу юрт, мулки Туркистон,
Ватаним, онажон, Ўзбекистоним.

Онадек меҳрибон мангу маконим.
Темурбек тигидан қақнаган қақмоқ,
Бобур дил тубида армонли титроқ,
Қодирий ҳоқини яширган тупроқ,
Ватаним, онажон, Ўзбекистоним.

Онадек меҳрибон мангу маконим.
Қизил карвон тўқди қизил қонларинг,
Йўлингга жон тикди не ўғлонларинг,
Файзулло, Чўлпондек қаҳрамонларинг,
Ватаним, онажон, Ўзбекистоним.

Онадек меҳрибон мангу маконим.
Беш ёшли истиқлол доврўғ солади,
Дарғаси кўлларга қадаҳ олади,
Нарпайда Хайридин қутлаб қолади,
Ватаним, онажон, Ўзбекистоним.

Онадек меҳрибон мангу маконим.

Хайридин БЕГМАТОВ,

Нарпай тумани



ЮРТИМГА ҚАСИДА

Ўзбекистон, кўзларингга кўз бўлай,
Мадҳ этарга бийрон-бийрон сўз бўлай,
Кенг бағрингда боши осмон қиз бўлай,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Тилим менинг довулимсан, бўроним,
Элим менинг ҳур ва буюк Туроним,
Томирлари қақшаб ётган армоним,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Сен Онамсан — меҳри оташ қишлоқдай,
Сен Отамсан — жоним каби ардоқлай,
Бағримдаги болам каби қаймоқдай,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Ҳақиқатдир «Бобурнома» қонуни,
«Анда жоним қолди... кўнгил қавими,
Тилни... дилни ёрди... Анжон қовуни»
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Кел кўёшим, кўкни бебаб чўлпондай,
Тўлқинлари тоғдан ўзган уммондай,
Кўзи тийрак оҳуғинам — жайрондай,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Етмиш йилнинг оғулари «ош» бўлди,
Кўргуликлар тўқмоқ теккан бош бўлди,
Бу кун нигоҳ Каъбатуллоҳ тош бўлди,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Истиқлолга ҳайрат йўли муборак,
Истиқболга ҳайбат бўйи муборак,
Мустақиллик — Ватан тўйи муборак,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Ўзбекистон, кўзларингга кўз бўлай,
Мадҳ этарга бийрон-бийрон сўз бўлай,
Кенг бағрингда боши осмон қиз бўлай,
Мулки Турон элим бўлсанг, айланай,
Эрки озод йўлим бўлсанг, айланай.

Муҳаббат ТҲҲАШ



БИЗНИНГ ШАРХ

Билал СУЛТОНОВ: 1949 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тамомлаган. «Фаровон» фирмаси Президенти. Уч ўғил, бир қизнинг отаси.

— **Билал ака, суҳбатимизни фирманинг очилиши тарихи билан бошласак.**

— Фирмамиз 1988 йили ташкил этилган. Бунга қадар мен савдо соҳасида ишлардим. Қалбимдаги бу соҳага бўлган қизиқиш, орзулар айнан мана шу йили рўёбга чиқди, десам бўлади. Кўпчилики: «савдо осон, ҳар кун жарақ-жарақ пул келиб туради», деб ўйлайди. Аслида эса бу энг мураккаб соҳалардан бири. Битта фирма ташкил қилиб, уни оёққа турғазиб олгунча ишбилармон қанча югуриб-елади. Уйқусиз, беҳаловат куну тунларни-ку айтмасаям бўлади.

— **Фирма очилган даврдаги имкониятлар билан бугунги имкониятлар орасида фарқ борми?**

— Ер билан осмонча фарқ бор. Ўша пайтлар арзимоган иш учун ҳам марказдан рухсат кутардик. Рухсат берса берди, бўлмаса, қилган ҳаракатингизу сарфлаган маблағингизга қўйиб қолардингиз. Республикада мустақил бўлган, йўлимиздаги барча ғовлар олиб ташланди. Тадбиркорни сиқиб эмас, ёрдам бериш, рағбатлантиришга кенг эътибор қаратилди. Айнан мана шу йўлда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бир қанча қарору фармонлари қабул қилинди. Бу албатта, истиқлолимизнинг меvasи. Бунинг учун Оллоҳга минг бора шукур, дейишимиз керак.

ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚ ГАРОВИ

— Кейинги пайтларда шу нарсa маълум бўляптики, ҳеч бир корхона ўз-ўзича яшай олмайди. Ҳатто айтиш мумкинки, бундай корхона инкирозга юз тутиши ҳам мумкин.

— Гапингизни тушундим. Наинки корхона, ҳатто одамзот ҳам ёлғиз, ўз-ўзича яшай олмайди. Дейлик, сиз чорвадорсиз. Умрингиз чорва билан ўтади. Лекин сизнинг рўзгорингизга фақат гўшту сутнинг ўзигина кифоя эмас-ку. Шундай экан, сиз рўзгорга керакли бошқа маҳсулотларни кимдандир сотиб olasиз. Бунинг корхонамиз мисолида ҳам қўллаш мумкин. Биз тайёр маҳсулотни ишлаб чиққунимизча ўнлаб ташкилотлар билан алоқа қиламиз.

— **Мен хорижий ҳамкорлар ҳақида ҳам сўрамоқчи эдим.**

— Жуда ўринли савол бўлди. Чунки ҳозир хорижий ҳамкорлар топиш, улар билан бирга ишлаш энг муҳим масалалардан бири. Негаки, юз йиллаб бир зайлда қотиб қолган иқтисодиёту саноат технологиясини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда чет эллик ҳамкорларнинг ўрни жуда катта бўлади.

Корхонамиз 1995 йили октябр ойида Италия ва Россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда Италия технологияси асосида «Фаритал» қўшма корхонасини ишга туширган эди. Ҳозир қўшма корхона бир сменада 300 минг сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

— **Қўшма корхонада ҳозир қандай маҳсулотлар ишлаб чиқарилляпти?**

— «Фаритал» асосан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Бундан ташқари, лимонад, турли навдаги вино маҳсулотларини қадоқлайди. Ҳозир яна янги бир лойиҳа устида иш олиб бораётибмиз. «Тетрапак» технологияси асосида лойиҳалаштирилаётган цехимиз табиий шарбатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозир МДХ давлатлари орасида

бундай шарбатларга эҳтиёж жуда катта. Ўзбекистонга ҳам ҳозирча табиий шарбатлар фақат четдан келтириляпти. Ажабмаски, яқин-орада режамиз амалга ошиб, бу хил маҳсулотлар ўзимизда тайёрланса.

— **Мана, икки кундан кейин мустақиллигимизнинг 5 йиллик тўйини нишонлаймиз. Айни дамларда кўнглингиздан қандай ўйлар кечаётир?**

— Қувончимиз чексиз. Ахир, ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб ўтган кунни кўриш, шу кун учун, Ватаннинг Истиқлоли учун меҳнат қилиш қанчалик бахт. Мен шу фурсатдан фойдаланиб барча ватандошларимизни буюк айём билан чин қалбдан табриклайман.

Ҳамид СУЛАЙМОН суҳбатлашди



ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси, халқ таълими фидойиси, меҳнат ва уруш ветерани, азиз дадажонимиз **Назиржон КАРИМОВ.**

Сизни шу табаррук кунларда 80 ёшга тўлишингиз билан қизгин табриклаймиз. Сизга узоқ умр, ҳамиша соғлиқ тилаймиз. Сиздек табаррук, эл-юртининг ишончини оқлаган, меҳнаткаш, тарих зарварақларига ёзиб қолдиришга арзигулик фаолият кўрсатган инсоннинг фарзанди эканлигимиздан чексиз фахрланамиз. Сизга ҳамиша таъзим билан фарзандларингиз:

Ғайратжон, Раъноҳон, Одилжон, Муяссаржон, Мухтасаржон, Неъматилло, Мўътабаржон, Ҳикматилло ва кенжатай Мухаббатжон, кўёвларингиз ва 50 дан ортиқ неварачевараларингиз.

Қадрдон дўстим ИСРОИЛЖОН!

Сени таваллуд кунинг билан қутлайман. Соғлиқ, тинчлик, хуш кайфият сенга доим

ҳамроҳ бўлсин.

Дўстинг АСРОР

Ҳурматли Эркин ака АЗИМОВ!

Сизни муборак 58 ёшингиз билан чин дилдан қутлайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Оилангиз бахтига ва бизнинг бахтимизга доимо бардам юришингизни Яратгандан сўрайман.

Эҳтиром билан укангиз ПЎЛАТОВ Набижон.

Ўғилларимиз **Азамат ва Воҳид АКБАРОВ**ларни, набираларимиз **Азимжон ва Алишержон АКБАРОВ**ларни туғилган кунлари билан қутлаймиз. Уларга узоқ умр, барча эзгу ниятлари рўёбга чиқишини тилаймиз, деб отаси **Ўткир, онаси Сайёрахон, сингиллари Шаҳзодаҳон ва Шаҳнозаҳон.**

Ҳурматли ФАЗЛИД-ДИН АКА!

Сизни туғилган кунинг билан самимий қутлаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб «Екмек» фирмаси ва ўзим номимдан **рафиқангиз КАМОЛА!**



Омадли укам АББОСЖОН!

Таваллуд кунинг муборак бўлсин. Оилавий бахт, сиҳатлик, руҳий тетиклик тилаб, аканг **АБРОР.**

Ҳурматли жияним УМИДАЖОН!

Сени таваллуд кунинг билан қутлаймиз. Соғлиқ, тинчлик, хуш кайфият сенга доим ҳамроҳ бўлсин.

Ҳурмат билан АБДУРАҲМОНОВлар.

Ўғилларингиз доим нурафшон бўлсин, Умрингиз бўлсин чинорларга тенг. Осмонингиз тинч, беғубор бўлсин, Бахт юлдузингиз доим порласин.

Қалбингиз осмонида меҳр кўёши Сочаверсин оламга эзгулик нуруни. Орзу-ўйларингиз рўёбга чиқсин, Истиқлол айёмингиз муборак бўлсин!

Ҳурматли Абдусалом ака АБДУҚОДИРОВ ва Динара опа НУРЖОНОВА! Сизларни Мустақиллик айёми билан чин дилдан қутлаймиз.

Азиза ва Равила САФИУЛИНАлар

СОДИҚЛИК ҚАСАМИ (Клятва на верность)

Режиссёр — Винод Диван.
Ролларда — Митхун Чакрабортти,
Зинат Омон, Шаки Капур.
136 минут. 1996 йил. Ҳиндистон.

Ҳинд киноси юлдузлари иштирокидаги ушбу аjoyиб фильм мелодрама муҳлисларининг барчасига манзур бўлади.

Филм қаҳрамони Рави (М. Чакрабортти) чиройли, бироқ соқов лўли қизга уйланади. Улар жуда бахтиёр эдилар. Аммо кунларнинг бирида бахтсиз ҳодиса туфайли қиз жарликдан пастга йиқилади. Бу қутилмаган ҳодисадан сўнг барча уни ҳалок бўлди деб ўйлайди. Орадан бир неча йил ўтган, қизнинг тирик экани маълум бўлади. Лекин Рави бошқа қизга уйланган эди.

Энди у нима қилиши лозим, биринчи хотини ва ўғлининг олдида қайтсинми ёки янги севгисига содиқ қолсинми?..

Кинолентадаги Равининг биринчи ва иккинчи хотини образларини аjoyиб ҳинд актрисаси Зинат Омон ижро этган.

ФЛИППЕР

Саргузашт — комедия
Режиссёр — Алан Шапиро.
Ролларда — Пол Хоган, Элайя Вуд.

91 минут. 1996 йил. «Юниверсал».

Ушбу филмда сув остидаги ҳаёт, кўрфаздаги хушманзара жой, оролдаги балиқчилар шаҳарчаси, балиқчиларнинг урф-одатлари, кулиги ва гамгин ҳолатлар маҳорат билан экранлаштирилган.

Ёзда дам олиш учун шаҳарлик хияя оролда яшовчи амакисиникига келади. Тасодифан у бир дelfиннинг отиб ўлдирилишини кўриб қолади ва бу воқеани ёлғиз гувоҳи бўлади. Иккинчи дelfин эса унинг дўстига айланади...

Киноасар қатта-ю кичик барчага мўлжаллаб суратга олинган, уни айниқса ҳайвонот оламини ва табиатни севувчилар мириқиб томоша қилишади.

«ОИ ШУЪЛАСИ» КУЧАСИ (Шоссе «Лунный свет»)

Жиддий детектив филм
Режиссёр — Энди Армстронг.
Ролларда — Кайд Маклахлен, Рэнди Куэйд.

дириш ниятида эди...

ЕР ОСТИ ШАМОЛИ (Подземный ветер)

Фантастик филм
Режиссёр — Майкл Максо.
Ролларда — Винсент Спано, Кейт Вернон.
94 минут. 1996 йил. «Нью-Лайн Синема».

Фантастика жанрида суратга олинган бу киноасар муҳлисларга яхши таниш бўлган «Терминатор» номли филмга сюжет жиҳатдан жуда ўхшаш бўлиб, у томошабинда дунё озгина бўлса ҳам эзгулик сари ўзгарди, деган ишончни уйғотади.

Хали ҳам, совуқ уруш хотиралари билан яшовчилар ва қўлаб ўзбошимча, телбанамо генераллар бор бўлиб, келишмовчилик ўрнига ҳамкорлик қилинаётган бугунги кунда улар қайта тарбияланиши жуда мушкул...

Филм ўткир сюжетли лавҳаларга, жиддий воқеаларга ва аъло декорацияларга бой.

ЕТТИ (Семь)

Триллер, детектив
Режиссёр — Дэвид Финчер.
Ролларда — Арнолд Копелсон, Филлис Карлайл.

132 минут. 1996 йил. «Нью-Лайн Синема».

Филм сценарийси асосида бир неча қонли қотилликлар терговчи ётибди. Ўзини «юқори кучлар» қуроли деб биладиган қотил-маняк бир неча одамни ўлдиради, бироқ уларнинг барчаси сирли бўлади. Бу қотилликларни тўхтатиш ва манякни қўлга туширишни фақат тажрибали полиция фахрийси, ўзининг ёш ёрдамчиси билан биргаликда уйдалай олади холос.

Қизиқарли воқеалар, актёрлар маҳорати ва филм муаллифларининг тажрибаси — буларнинг барчаси томошабинини сўнгги кадргача киноасарни кўришга ундайди.

Видеотасмаларга ёзилган янги филмлар билан қизиқувчилар қуйдаги телефонларга кўнгирок қилишлари мумкин: 77-13-44, 77-67-12.

ВИДЕО ОЛАМИДА



94 минут. 1996 йил. «ЭС-ЭЙЧ-О»

Филм бир қишлоқ аҳолиси қўлбола ароқ (самогон) тайёрлаб, уни солиқ ҳақидаги қонунга зид равишда унча узоқ бўлмаган шаҳарчада сотиши ва бу ишнинг ошқор бўлиши ҳақида хикоя қилади.

Тайёр «махсулот»ни ёш ҳайдовчилар етказиб беришар эди.

Вақти келиб бу гайриқонуний фаолиятга текширувчилар чек қўйишмоқчи бўлишади. Натижада Жед исмли ҳайдовчи (шофер) ва шу шаҳар шерифи ўртасида низо пайдо бўлади, чунки бу гайриқонуний ишлардан шериф ҳам ўз чўнтагини тўл-


«Ўзбекистоним» топқирлик машқи

Бўш вақтингизда

Рақамли хонадан соат мили бўйича: 1. Ўзбекистон жанубидаги тарихий шаҳар. 2. Дунёга таниқли ўзбек геолог олими, давлат мукофоти номзоди, янги маъдан кашфиётчиси. 3. Бухородаги меъморлик ёдгорлиги мажмуи. 4. Марказий Осиёдаги ҳудуд. 5. Таниқли боксчи, XXVI Олимпиада ўйинлари совриндори. 6. Қурама тоғ тизмасининг шимолий ён бағридаги кўмир кони. 7. Соҳибқирон Амир Темур дунёнинг сайқалига айланган шаҳар. 8. Мустақиллик йилларида счилган «қора олтин» конларидан бири. 9. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 10. Самарқанддаги меъморлик обидаси мажмуи. 11. Хисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий тармоғи. 12. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Темур Малик» тарихий романи муаллифи. 13. Шарқда Жом қўли, ғарбда Зиёвуддин тоғлари билан чегарадош маскан. 14. Ўзбек халқ достонларидан бири.

Ёйлар бўйича: 15. Ўзбекистон халқ шоири, Республика-миз мадҳияси муаллифи. 16. Чирқик дарёсида қўрилган нурхона. 17. Шариф — муқаддас шаҳар номини олган тарихий шаҳар. 18. Ўзбек адаби, олими ва давлат арбоби, «Абулфайзхон» тарихий драмаси муаллифи. 19. Республика-миз радиосининг ахборот мусиқий дастури. 20. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган телевизор маркаси номи. 21. Сурхондарё вилоятидаги конлардан бири. 22. Ўзбекистондаги вилоят. 23. Ўзбек халқ оммавий қўшиқларидан бири. 24. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 25. Орол денгизи ва Амударё тармоқлари сралигидаги ўзига хос иклимга эга бўлган маскан. 26. Ўзбекистон Республикасининг олий нишонларидан бири. 27. Ўзбек халқ достони. 28. Аёллар журна-ли.

Фозилжон ОРИПОВ



Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
Хотин-қизлар
қўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИПИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САҒАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0455 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Сўнги устун

СЕНТЯБР КУЗНИНГ ВА...

Эрта-индин ўлкамизда олтин фа-
сл ҳисобланмиш кузнинг дастлаб-
ки оғи — сентябр бошланади. Ле-
кин Ер шарининг ҳамма жойида ҳам
бу оғдан куз ўз ҳукмига қиради-
ми? Шундай ўйлаганлар янгилаш-
дилар. Қуйдаги маълумотлардан
сиз ана шу ҳақда билиб olasiz.

Шимолий ярим шарда жойлашган
мамлакатларда сентябр кузнинг бирин-
чи оғи ҳисобланади. Жумладан, тунд-
рада ҳаво айниди. Музлаган ботқоқ-
ликлар орасида қлокча мевалари қи-
зириб қўзга ташланади. Айниқса, на
кундузи, на кечаси тинчлик бермайдиган
«хир» пашшаларнинг йўқолиши ки-
шига ҳузур бағишлайди. Бугунлар бўл-
гуси ёқимсиз ва совуқ изғиринлардан
ўзини ҳимоя қилиб аста-секин ўрмон-
лар томонга силжи бошлайди. Шу
ойда дастлабки қор ёғади.

Шарқий Сибирда эса бу ойда ҳаво
очик ва қуруқ бўлади. Бу ерда чин
маънодаги олтин куз қиради. Дарахт-
ларнинг барглари тилларанг тус ола-
ди, ўт-ўланлар сарғая бошлайди.

Сентябрда мўътадил минтақада ҳам
куз ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Эр-
талаб майсаларга қиров тушади, чиғи-
рткаларнинг тунги «қўшиғи» тинади.
Турна, бедана ва жиблажбонлар учиб
кетади.

Ўрта Ер денгизи соҳилларида эса
сентябрда ёмғир ёғиб, яна ҳамма ёқ-
ни ям-яшил ўт-ўланлар қоплайди, хил-
ма-хил гуллар очилади. Нарғиз гули
бу жойларда фақат қўздагина гуллади.

... БАҲОРНИНГ БОШЛАНИШИ

Сентябр жанубий ярим шарда ба-
ҳорнинг биринчи ойидир. Масалан,
Бразилияда табиат уйғонади, лекин бу
уйғониш даври жуда қисқа давом эта-
ди. Ойнинг иккинчи ярмидан кунлар
қизиб, ёз бошланиб кетади.

Африка жанубида, Ҳинд океани со-
ҳилларидаги Кап вилоятида бутун бор-
лиқ турфа ранг гуллар билан қоплана-
ди. Бу ўлкани шунинг учун «Африкани-
нг жаннати» деб ҳам аташади.

Австралиянинг жанубида ҳаво
исийди, ҳамма ёқ гўё гулдор гилам
билан қоплангандек ям-яшил тусга кира-
ди.

«Оила ва жамият» газетаси тахри-
рийати газета муҳбири Дилбар САҒА-
РОВАга онаси

МУҲТАРАМ аянинг

вафоти муносабати билан
чўқур таъзия изор қилади.

«Оила ва жамият» газетаси тахри-
рийати газета муҳбири Басира САЙИДИ
АЛИга онаси

НАҲИБА аянинг

вафоти муносабати билан
чўқур таъзия билдиради.